

Ислом КАРИМОВ



9 (53)-сон  
2017 йил, сентябрь

# ИМОДИЙ PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi



## Сизга таъзим, сизга эҳтиром!

Азиз устозлар, сизларни улумхонац байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклаб, барча-барчанизга ўзимининг юксак хурмат-эҳтироми ва эзгу шигакларимни изҳор этишдан бахшишман.

Жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимишинг қай дарражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидағи ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини қадрлашга, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишига ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари куриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ўқитувчилар азал-азалдан эътиборли касб ҳисобланади. Биринчи Президентимизнинг 1996 йил 9 ян-

вардаги Фармони билан 1 октябрь “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” деб белгиланган. Ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта баҳтли бўлишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб кўрини, бутун онгли хаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришига, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол тоғтиришга бағишилаган, бир сўз билан айтгандা, Ватанимиз эртанги кунининг пойдеворини яратадётган бу инсонларнинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсина айтсан айтсан оз.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чукур хурмат-эҳтиром ва чексиз

Шанба куни ҳашар ташвиши билан бизга биректирилган мўъжазгина майдончамизда, декоратив гулларимизга шакл беруб урглашига ўтган новдаларига ишлов бераётган эдим. Бир гуруҳ талабаларини эргаштириб Вокал кафедрасининг доценти Рудакий Алламбоев яхши кайфиятда чиқиб келди.

Менга қўзи тушиб табассум билан (огзи қулогида), “Мени табрикланг устоз, яхшиларга яқин юриб, мен ҳам ниҳоят давлатимизнинг ардогига, эътирофига эришидим, “Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига муносаб кўришибди, — деди.

Кутлов



— Муборак бўлсин, жуда адолатли эътироф бўлиби, — дедим инсонни хурсанд қилалини билан тўлкинланиб. Кўз ўнгимда, ўзининг самимийлиги, камтарлиги, очик кўнгил энг муҳими ўз касбига, юртига институтилизга фидойи ва жонкуярлиги билан эътибор қозонган Рудакий Алламбоевнинг фаолияти жонланди. Ноёб овоз соҳиби, ташаббускор, изланувчан, вокалист педагог сифатида республикамиз театрлари, концерт ташкилотлари учун кўпгина иқтидорли ижодкор ёшларни тарбиялаб, келаётган устоз сифатидаги хизматларини эсладим. У билан ҳамкорликда яратилган институтимиз мадҳияси мана неча йиллардан бери янграйди. Рудакий Алламбоевнинг

турли кўриклар, фестиваллар, давлат тадбирларидағи иштироки, бетакрор юртимизни алқаган дилтортар кўшиклари ҳамда талабалар билан тайёрлаган кўшиклиарини эшишиб “Тасанно” деб табриклаганларимиз ёдимга тушди. Унинг итальян, француз, рус, ўзбек, қозоқ, корақалпоқ тилларида маромига етказиб ижро этган ранг-бараңг кўшиклари нафакат Республикаимиз, балки яқин кўшни давлатларнинг кўшиқсеварларини ҳам қалбидан жой олган. Унинг илк ижоди, шу жонажон институтимизда шаклланиб кеинчалик маълум ва машҳур “ЭЛДИДО” гурухининг хонандаларини ҳам илк кўшикларига устозлик қилганини эътироф этишини жоиз деб билдим.



Рудакий Алламбоевнинг Қорақалпогистонда ўтказилган турли тадбирлардаги чиқишилари, томошибинларнинг катта эътирофларига сазовор бўлганлиги, ўз ўрнида шундай инсон билан ҳамфир, ҳамдард, ҳамкасб эканлигимиздан таянчларимизнинг бақувват эканлигини хис этдим. Санъат ва маданиятимизнинг истиқболи албатта ижодкор, илмли, ташаб-

бускор, тажрибали, фидойи инсонлар ва уларнинг етакчилигидаги иқтидорли ёшлар билан юксалади, мустаҳкамланади. Буни теран хис этган давлатимиз раҳбарлари фидойи устозларимизни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаб нуфузли унвонларга муносаб кўрганлари катта масъулият юклайди. Рудакий домламизни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати би-



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган карздорлик хисси пайдо бўлади. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар хиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси би-

лан яшайди. Минг-минглаб қалбларга эзгулик ёғдусини сочадиган, ўз шогирдларига ҳаёт мактабини берадиган мўтабар зот — ўқитувчи ва мураббийларимизга бугунги қасб байрамингиз муборак бўлсин, деймиз! Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Институт ректори в.в.б  
Г.Э. ХАЛИҚУЛОВА

## МЕҲРГА БАХШИДА УМР

Меҳр чаимасидан сув ичган булоқ,  
Кўнгил нурларини шод этар ҳар чоқ,  
Ниҳол униб ўёди, гул бўлди ногоҳ,  
Устозим, меҳрингиз чексиз уммондир,  
Тафаккур богида аҳли жаҳондир!

Олий ҳаёт сари билим бердингиз,  
Матонат куйида сабр тердингиз,  
Меҳрга бахшида умр кўрдингиз,  
Устозим, меҳрингиз чексиз уммондир,  
Тафаккур богида аҳли жаҳондир!

Бугун меҳнатингиз ҳосилин теринг,  
Хар ўғил қизингиз баҳтини кўринг,  
Юзингизда кулгу, шод хуррам юринг,  
Устозим, меҳрингиз чексиз уммондир,  
Тафаккур богида аҳли жаҳондир!

Азизабегим МАВЛОНОВА,  
Театришунослик йўналиши 2-босқичталабаси

лан “Шуҳрат” медалига сазовор бўлгани, у учун фоят омадли келган. Бу йил эса “Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвон билан тақдирлангани ҳаммамизни бирдек қувонтириди. Бу бизни янада бирга фаол, жўшқин, садоқат билан ишлашимизга ундаиди. Институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабалар ва муҳлислар Рудакий Алламбоевни бундай юксак унвон билан муборакбод этади. Фаҳри унвон муборак бўлсин!

И. ДЖУМАНОВ,  
«Сахна нутқи» кафедраси  
доценти

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида мазкур йилнинг 23 сентябр куни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг институт етакчилиги учун сайлов бўлиб ўтди. Етакчилликка даъвогарлар фаолияти ва сайлов олди дастурлари бир ҳафта олдин институтнинг “Мўъжаз ватаним” радиоси орқали танишириб борилди.**



### ЁШЛАР ИТТИФОҚИ — ўғил-қизлар таянчи

Сайлов чукур масъулият руҳида ҳаққонийлик, одиллик, очик ва оикоралик асосида бўлиб ўтди. Сайлов натижасига кўра институтнинг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи етакчилигига Умрзоқов Ислом Илҳом ўғли 37,7% овоз билан сайданди. У сайлов олди дастурида, аввало, талабаларнинг ижодкорлиги ва фаоллигини оширишини олий мақсад қилган.

Бундан ташқари, “Кино, телевидение ва радио санъати” факультетига Мухаррам Бозорова, “Театр санъати” факультетига Бегзод Зокиржонов,



“Халқ ижодиёти” факультетига эса Камолиддин Умаровлар етакчи этиб сайданди.

Бугунги шиддатли даврни ҳис этиши, унга муносиб меҳнат ва ижод қилиши бу энг олий саодатдир. Институтимизда истеъододли ёшлар кўпчиллик ташкил этади. Уларга ўз иқтидорини намоён қилишига кўмаклашни, истеъододли, ҳаракатчан, юрагида юрга дахлорлик ҳисси барқ урган ёшларни бирлаштириши, уларни мустақил Ўзбекистон тараққиёти, халқимизнинг фаравон ҳаёти йўлида ҳаммаслак бўлишини таъминлашни етакчиларимизнинг вазифасидир. Институт етакчиларига бу йўлда омад ва зафарлар ёр бўлсин! Билдирилган ишончни оқлаш, Она Юрт манфаати йўлида беминнат хизмат қилиши саодати муборак бўлсин!



Мамлакатимизда ёш ижодкорларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, уларнинг орзуумидларини, истеъодони рўёбга чиқаришга кенг шарт-шароитлар яратиш ёшларга оид давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу мақсадда Вазирлар Махкамасининг қарори билан 2000 йил 25 августрда таъсис этилиб, 2011 йилдан бўён ҳар икки йилда бир бора ўтказилиб келинаётган “Ниҳол” — ёш ижодкорлар кўрик-танлови буғунги кунга келиб чинакам маънода анъана тусини олиб, нуфузи ортиб бормоқда.

Мазкур танловда Ўзбекистон дав-

лиод Каримов 2015 йил “Созлар навеси” кўрик танловида фаҳрли 1-ўрин, “Санъат мактаби” номли ёшлар фестивалида “Энг намунали мусиқа ижрочилиги” номинацияси совриндори бўлган. 2016 йилда эса Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган “Мўъжизали Париж” номли Халқаро кўрик танловда 2-ўринни ва айнан шу ўили Париж шаҳрида бўлиб ўтган яна бир танлов “Battle music” номли телевизион танловда фаҳрли 1-ўринни қўлга киритган.

Мамлакатимизда миллий маданиятимиз ва санъатимизга бўлган эътиборни тобора кучайтириш, айниқса, ёш ижрочиларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, уларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш борасидаги амалий ишлар, истеъодилилар сафининг тобора

# Келажак ГИЗНИКИ Марра БИЗНИКИ

лат санъат ва маданият институти талабалари ҳам фаол қатнашиб, нуфузли ўринларни олиб келмоқда. Бу йилги танловда “Кино телевидиние ва радио санъати” факультети, Касб талими: “Чолғу ижрочилиги” бўлими 2-боскич

талабалари Дилшод Каримов ва Каҳрамон Рашидовлар “Чолғу ижрочилиги” йўналиши бўйича қатнашиб “Ниҳол” давлат мукофотига сазовор бўлишиди ва институтимиз доврогини янада баландрок кўтаришиди.

Каҳрамон Рашидов Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Болалар мусиқа ва санъат мактабида Қашқар рубоби синфида таҳсил олган. 2012 йилда Тошкент маданият коллежининг Фольклор этнографик жамоалари раҳбарлиги бўлимида Ҳамро Матназаровдан най, сурнай чолгусида ижро сирларини ўрганган. 2012 йил Самарқандода ўтказилган “Барҳаёт анъаналар” кўрик танловида 1-ўринни, 2017 йил Бойсун баҳори фестивалининг фаҳрли ўринларига эга бўлган.



кенгайиши биз ёшларга қаратилаётган улкан эътибор натижасидир. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юксак натижалар сари илдам қадам

ташлаётган олийгоҳимизнинг бу икки иқтидорли талабаларини яна бир бор муборакбод этиб, ижодий муваффакиятлар тилаймиз.

Хуршида ФАЙЗУЛЛАЕВА,  
Наширёт ва таҳририят бўлими  
мухаррири

## ЗОМИН

## ИЛҲОМЛАРИ



Шаршара... Президент совғаси... Кетма-кет рағбатлар.. Ижод намуналари... Устозлар билан юзма-юз учрашувлар... Гулхан атрофида мушоира... Бу унунтилмас лаҳзалар Зомин ёш ижодкорлар анъанавий семинари доирасида бўлиб ўтди ва ёш ижодкорлар қалбини чексиз фаҳр ва илҳомга тўлдириди.

Семинарда назм, наср, драматургия, адабий танқид, болалар адабиёти каби йўналишлар бўйича шўйбалар ташкил этилди. Мазкур тадорикнинг биз учун кувонарли жиҳати шундаки, семинарда Санъат ва маданият олийгоҳидан турли йўналишлар бўйича саккиз нафар талаба иштирокка муносиб топилди. Улар уч кун мобайнида “Ўриклисой”да бўлиб, асраларга татигулик таассуротлар билан қайтишди. Шеърият йўналишида Яхёхон Махмудов мушоирани қизитган бўлса, насрний ҳикоялари билан Жавлон Жовлиев ва Соҳибжон Хотамовлар истеъодони намойиш қилишди. Адабий танқид бўйича Сарвиноз Саксонова юксак илмий салоҳияти билан устозлар назарига тушган бўлса, драматургия соҳасида Шоҳруҳ Немматов, Обиджон Рӯзиев, Моҳларой Ахмедовалар маҳорат билан қалам тебратишга бел боғлаганини исбот қилишди. Менинг ҳам семинарнинг драматургия йўналишида иштирокчи сифатида таассуротларим бир дунё. Бизни янада кувонтирадиган жиҳат институтимизнинг номи тақрор-тақрор тилга олингани бўлди. Демокчи бўлганим, олдинги семинарда муваффакиятли қатнашиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан биринчи китоблари нашр қилинган яна икки нафар талабамизнинг китоб тақдимотлари ҳам ўтказилгани бизни кувонтириди. Сирожиддин Рустамовнинг “Катта танаффус”

ва Сардор Ҳамроевнинг “Баҳодир” номли драматик асарлар тўпламлари китоб ҳолида нашр қилиниши билан бирга юртимиз театрларида ҳам саҳналаштирилди. Бу муваффакиятларни санаган сари барчамизнинг қалбимиз фаҳрга тўлади. Бериладётган имкониятлар ўзини оқлаши ва ёшларнинг асл келажак эгалари бўлиб шаклланишига тобора ишончимиз ортиб боради.

Биз ишонамиз, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида иқтидорли талабалар жуда кўп ва улар бирин-кетин, албатта, юзага чиқади.

Шавкат ДЎСТМУҲАММАД,  
мухбирлар клуби сардори



В 1994 году ЮНЕСКО объявило 5 октября официальным праздником - Всемирный день учителя (World Teachers' Day). В этот день в 1966 году произошло важное для учителей событие: на межправительственной конференции в Париже ЮНЕСКО и Международная организация труда приняли Рекомендации о положении учителей — первый международный документ о правовом статусе работников образования» (Recommendation concerning the Status of Teachers).

“

## С Днем учителя и наставника!

”

В рекомендациях закреплены права и обязанности учителей и международные нормы, касающиеся их подготовки, повышения квалификации, приема на работу и условий труда. Красной нитью как призыв к действию проходят в документе слова о том, что «необходимо расширять права и возможности учителей и воспитателей, которые должны набираться соответствующим образом и получать надлежащее вознаграждение, иметь мотивацию, быть профессионально подготовленными и получать поддержку в рамках располагающих достаточными ресурсами, действенных и эффективно управляемых систем».

Огромную поддержку получил этот документ во всем мире. С тех пор более 100 стран отмечают День учителя 5 октября. Этот День также является первым Всемирным днем учителя, который будет отмечаться в рамках новой Глобальной повестки дня в области образования до 2030 года, принятой мировым сообществом в 2015 году. Кроме того, 5 октября 1997 года Генеральная конференция ЮНЕСКО приняла Рекомендации о статусе преподавательских кадров высших учебных заведений.

Признание роли учителей и наставников отразилось и в Рамочной программе действий «Образование-2030», где подчеркивается тот факт, что учителя играют основополагающую роль в деле обеспечения справедливого и качественного образования.

Подразумевалось, что Всемирный день учителя – это также и возможность обратить внимание на проблемы педагогов на национальном и мировом уровнях, а также проанализировать их успехи в международном контексте.

Как известно, во многих странах существует проблема качественного образования: зачастую учителя работают, не располагая необходимыми ресурсами и не обладая должной квалификацией. Есть примеры, когда на качество образования влияет элементарная количественная нехватка

педагогических кадров.

Хотя есть страны, которые отмечают Всемирный день учителя в другие дни, как, например, День учителя в Австралии – последняя пятница октября, в Бразилии – 15 октября, в Чехии – 28 марта, в Египте – 28 февраля, на Ямайке – 6 мая, в Мексике – 15 мая, в Марокко – 28 февраля, в Новой Зеландии – 29 октября, в Перу – 6 июля, в Польше – 14 октября, в Испании – 29 января, почет и уважение, слова благодарности и глубокой признательности своим наставникам в учебных заведениях, спортивных организациях, трудовых коллективах объединяют весь земной шар.

И в нашей стране вот уже двадцать лет в соответствии с указом первого Президента Республики И.Каримова от 27 декабря 1996 года стало добрым традицией широко и торжественно отмечать 1 октября как всенародный день учителей и наставников, который стал с тех пор поистине всенародным праздником в стране. Это является ярким свидетельством высокого уважения и признания нашим народом достойного труда педагогов, наших устюзов, которые, не жалея своих знаний и опыта, таланта и мастерства, душевного тепла, сил и энергии, проявляя лучшие человеческие качества, всем сердцем беззаветно служат делу образования и просветительства.

Установливая этот праздник, Глава государства давал высокую оценку их труда, а о самих учителях отзывался как о «великодушных, самоотверженных и добрых людях, посвятивших всю свою жизнь такой сложной и благородной работе, как воспитание подрастающего поколения. Думая об учителях, естественно, каждый из нас, - выразил уверенность И.Каримов, «независимо от того, где и кем работает, какую должность занимает, вспоминает как лучшее время жизни свои школьные годы, беззаботное детство, оставившие неизгладимый след в памяти, испытывает искреннее чувство уважения к педагогам, которые давали не только знания, но и

уроки человечности».

Всемирный день учителя является частью непрерывной деятельности ЮНЕСКО в поддержку педагогов, ради обеспечения достойного положения представителей этой профессии, жизненно важной для нормального функционирования общества. Учителя являются индикаторами социального здоровья.

Всемирный день учителя – это повод для ежегодного выражения благодарности педагогам, оценить их работу и помочь им совершенствоваться. Это также время задуматься о проблемах наставников и попытаться найти им решение.

Именно они, учителя, наставники воспитывают граждан мира, и поэтому их можно считать учителями мира, а их достижения должны рассматриваться в мировом контексте. Всемирный день учителя дает нам возможность взглянуть на проблемы педагогов конкретной страны и проанализировать их успехи с точки зрения международных интересов. Являясь международной организацией, ЮНЕСКО представляет собой наилучшее место для обсуждения и обмена идеями на мировом уровне. Ведь как ни странно, в некоторых уголках мира эта важнейшая профессия не находит должного уважения.

Сегодня с полным правом мы можем сказать, что учителя – это инвестиции в будущее человечества. Чтобы выполнить свое предназначение – вырастить и воспитать физически и духовно здоровое поколение, грамотное, любознательное, помочь ему раскрыть творческие способности, развить их, дать стимул для беспрестанной работы над реализацией личностного потенциала им необходимо постоянно работать над повышением уровня своих профессиональных и педагогических навыков и знаний. Ведь застывший багаж знаний, не обновляемый каждодневно, очень скоро перестанет отвечать требованиям времени, а такой педагог окажется на обочине всего прогрессивного. Нелегок их труд! Кроме того, огромное терпение, любовь к людям, позволяет им сохранить внутреннее тепло. Недаром глаза наших учителей источают свет и мудрость, наполняющие жизнь каждого из нас от школьной скамьи до периода нашего профессионального совершенства.

Сегодня от всей души поздравляю всех наших профессоров - преподавателей нашего института с этим знаменательным днем и от всего сердца говорю: «Спасибо вам, наши дорогие учителя!»

Сабина БЕРДИЕВА,  
студентка 3 курса направления «Организация  
и управление учреждениями искусств и  
культуры»

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

## ТИЛ — МИЛЛАТ ФУРУРИ

Ўзбек тили бой ва жилвакор тил. Унда ҳар қандай түйгу ва фикрни бемалол ифода этиши мумкин. Тарихан бой бу тилда бир қатор буюк инсонлар ижсол қилдилар. Қанчадан-қанча гўзал асарлар яратган. Хусусан, XI асрда

яшаб ижсол қилган Маҳмуд Кошгари “Девони лугатит турк” асарида, ўзбек тилининг энг гўзал томонларини кўрсатиб бериши баробарида унинг нақадар бой эканини ҳам исботлаб берди.

**Жуда бой, чиройли**

**тилимиз бор.**

**Бу тилда ифода**

**этиб бўлмай-**

**диган фикр,**

**түйгу,**

**ҳолатнинг**

**ўзи йўқ.**

**А.Қахҳор**

Аммо шунга қарамасдан бугунги кунда ўзини ўта замонавий килиб кўрсатиб, она тилимиздаги сўзларни бузиб, унга бошқа тиллардаги сўзларни қўшиб сўзлашаётганларга ҳайрон қолсан киши. Бу ҳолатга қаратса Маҳмуд Кошгариининг бир фикрини ёдга олиш ўринлидир: “Тилда маълум маънни ифодаловчи сўз бўлмаса, шундай сўзни қўшни тилдан олиш мумкин. Аммо тилда мавжуд сўзлар ўрнида бошқа сўзни кўллаша зарарлидир”. Дарҳақиқат, бу нафакат зарарли, балки окибати хайрли бўлмаган ҳолатdir. Модомики, миллат ўз миллий тилидек юксак ҳазинага эга экан, унга зарур бўлмаган пайтда бошқа тиллардан ноўрин сўзларни қўшмоқ нега керак?

Ўзбекона чиройли сўзларни ишлаптиш, аввало, бир томондан инсоннинг ўз тилига эҳтиромини англатса, иккинчидан, унинг ички маданиятидан дарак беради. Алишер Навоий таъкидлаганидек: “Тилга ихтиёrsiz – элга эътиборсиз”. Зоро, асрлар мобайнида аждодлардан мерос бўлиб келган бу тилга хурмат-эҳтиром кўрсата олмаган кишидан келажак авлод ворислари нимани ҳам олишлари мумкин?

Ўзбек тили жилвакорлиги билан бир-

га мазмунан ҳам терандир. Мисол учун инсон юзини ифодаловчи “юз” сўзининг синонимларига тўхтагланда уни бир неча шаклда талкин этиши мумкинлиги кўринаади. Ижобий маънода юз, ораз, чехра, жамол. Салбий маънода афт, башара, турк ва яна бошқа мазмунан яқин ифодалар мавжуд. Ёки “кулмоқ” сўзини ижобий маънода жилмаймоқ, табассум қилмоқ каби маънодошлари билан кўллаша мумкин. Салбий маънода тиржаймоқ, хингилламоқ, қиқирламоқ каби сўзларни бунга мисол килиб келтириш мумкин.

Ачинарлиси шундаки, кўп ҳолларда

кўча-кўйда, жамоатчилик жойларида “кароче, как, вообще, да, ну, круто, супер, оkey” каби сўзларни ўзбек тилига қўшиб, бузиб гапираётганларига гувоҳ бўламиз. Бу ўша инсонлар наздида “Ўзини намоён этиш”нинг ёки “замонавий” бўлишининг энг мақбул йўлими? Бу билан улар факаттинга ўзларининг билимсиз ва савијисизликларини намойиш этишаётганларини наҳотки билиш маса?!.

Ўзбекистон ҳалқ шоири А. Орипов айтганидек: “Тил бу — одамларга табиат томонидан берилган, инсонларнинг минг ийллар мобайнида ўзаро муносабатларида сайқалланиб келган шундай бир жавоҳирки, бу жавоҳирни сочиб юбориш, бехурмат қилиш эмас, балки кўз қорачигимиздек асраримиз керак”. Зоро, бежизга тилга нисбатан “Она” сўзи биргана қўшиб кўлланмайди. Бунда ҳам чуқур маъно бор. Буни англаган ҳолда ўзбек тилини асрраб-авайлаш, унга хурмат билан қараб, турли ёт унсуруларни қўшмасдан равон сўзлаш ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчидир.

**Шахноза РУСТАМАЛИЕВА,  
Ижтимоий-маданий фаoliyat таълим йўналиши 2-босқич талабаси**

## МЕХРИ МҮЙЖИЗАВИЙ УММОН МУАЛЛИМ!

Дейдилар, дунёда асли ким Азиз,  
Айтдилар устозлар, устоз беғумон,  
Тагин айтдиларки, Азиз шубҳасиз,  
Устозлар қадriga етолган инсон.

Ҳақиқатдан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришида, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшиши туйгуларини синедиришида, бир сўз билан айтганди, жамиятимизнинг муносаби фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси бекиёсdir.

Устозлик улуг ва юқори мақомга эга бўлган касб. Унга эришиши учун эрнамай меҳнат қилиши ва тер тўқиб ишилашига тўғри келади. Бемисл меҳнат, тинимсиз изланши, билим жавоҳирларини йигиб, уни шогирдларига улашиши устозлик обрўсини улуг қиласди. Ҳа, манаман деган олим-уламоларнинг ҳам устози бўлган.

Уларнинг заҳматли мөхнатлари сабаб шу даражага етганимиз чин. Улар ҳақида гапирганимизда юрак тўлиб-тошади. Ҳаёт йўлида бизга таълим-тарбия ўргатишга муваффақ бўлган мураббийларининг умрлари зиёда бўлсин. Байрам баҳона азиз устозларимизни зиёрот қилиб, дуоларни олишини унтумайлик, азизлар! Зоро Ҳазрат Навоийнинг ҳаммага ёд бўлиб кетган сатларида айтилганидек:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиси ранж ила,  
Айламак бўлмас адo, онинг ҳақин юз ганч ила.

Нашиёнт ва таҳририят бўлими

## Устозлар ҳақида...

Шоҳ Искандар дунё бўйлаб юришини давом эттираётib, бир шаҳарга келибди. Анъанага риоя қилган ҳолда, аввал шу жойининг хусусиятлари билан танишишига киришибди. Кўриб билсаки, бу давлатда адолат хукумрон, тараққиёт бардевом, халқ тўйк, ўғирликлар йўқ экан. Қизиқиб сўрабди:

— Бундай фаровонлик ниманинг эвазига?

Шунда шаҳарнинг улуглари:

— Бу ерда шоҳу гадо устозга бирдек ҳурматда, — деб жавоб бершишабди.

Дарҳақиқат, устозни қадрлаган эл кам бўлмайди.

\* \* \*

Соҳибқирон бу дунёдан ўтар бўлсан, мени устозимнинг оёқ томонларига дафн этинглар, деб васият қилган эдилар ва шундай ҳам бўлди. Саҳибқироннинг устозига бўлган меҳри ва ҳурматини уни шу даражасига етказган бўлса ажаб эмас.

\* \* \*

Темурий Абусид Мирзо бир дасрода ўтиргар экан, тизматари тошли экой-га тўйчи келиб, шир озримса-да, ўрнидан қўмишламаган экан. Чунки устозла-ршуша дамда нушқа сўнглайтиган эдилар.

\* \* \*

Кунларнинг биррида Ибн Синонинг уйига устози ташриф буорибди. Шунда отаси унга томга чиқиб, ўтин олиб, чой қайнатишни буорибди. Ёш Ибн Сино нарвонга чиқта туриб, тўхтади ва йиглай бошлади. Буни кўрган отаси йигининг сабабини сўради.

Ибн Сино:

— Устоз ўтирган уйининг томига чиқолмайман, сизнинг сўзингизга ҳам қарши тура олмайман, — деган экан.

Жумагул НИШОНОВА,

“Ижтимоий маданий фаолият йўналиши 2-босқич талабаси

## ҲАНДАЛАР



### САНЪАТ АСАРИ

Узок йил кўришимаган синфдошим билан кўришиб, овқатланиши учун ресторонга кирдик. Овқатга буюртма бериб, синфдошим билан сұхбатни давом эттирамдик.

### КОВУН

Хаётда ўзи жуда уялчангман. Қизлар билан гаплашиши, уларга гап отиш, кўча тилида айтганда “қизларни ўраш” бу менинг ишим эмас эди. Лекин жуда қизиқонман. Кулаётган одамни нима сабабдан кулаётганини билгим келади. Йиглаётган кишини кўрсам ҳам нима учун йиглаётганини билмасам ичим қизийди. Кунларнинг биррида ўқишидан чиқиб, уйга қайтиши учун автобусга ўтиридим. Битта бекатдан кейин рӯпарамдаги ўриндиқча чиройли бир қиз ўтирид. Ана холос! Қиз йиглайверганидан кўзлари қизариб кетган. Ичимда бир тўфон уйгонгандай бўлди. Бу қизга нима қилган экан-а... Балки, севган йигити ташлаб кетгандир? Ёки тоби қочаётгандир? Менимча, кўпгина чиройли қизлар баъзида ўзларига ёққан уй ҳайвонини боқишиади – кучукчами ёки мушукчами. Бу қизнинг ҳам шунаقا ҳайвони бўлган, балки шу ўлиб қолгандир? Балки ўқишидан бирортаси хафа қилдимикан? Ёки қаттиқўл домласи баҳосини қўймаган бўлса, шунга йиглаётгандир-да. Ўзим ўзимни саволларга кўмиб ташладим. Охири чидолмадим. Қизга қараб:

— Яхши қиз, тинчликми, сизга нима бўлди? — деб сўрадим.

Қиз эса худди мени қачон савол бершишимни кутиб ўтиргандай, агар шу бола менга гапирса, итдек уни қопаман, деган бўлса керак, “Сени нима ишинг бор?!?” деди-ю, гўёки устимдан бир пақир муздек сув қуийб, ичимдаги тўфонни ҳам ўчириб қўйгандек бўлди. Мен уялганимдан автобусдан тушиб кетдим. Бошқа автобусга чиқсанимда бошқа бир қиз менга қараб кулиб кетар эди. Ичимда тўфон уйгонди...

Шуҳрат ЙЎЛДОШЕВ,  
Театршунослик йўналиши 3-босқич талабаси

## Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат  
ва маданият институти

Тахрир ҳайъати:  
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА  
Хамдам ИСМОИЛОВ  
Антонино КОШЕЛЕВА  
Рашид УСТАНОВ  
Нафиса РАЙМУЛОВА  
Хуршида ФАЙЗУЛАЕВА  
Мухаррам БОЗОРОВА

Масъул котиб:  
Шавкат ДЎСТМУҲАММАД

Тахририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ялонҷон мавзеси, 127 А уй.  
Тел.: +99890 374-24-25; +99871 230-28-13  
www.dsni.uz; dsni\_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.  
Манзил: Ўрта Чирчик тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ – 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошкармасида № 02-00166 раками  
билин 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

## УСТОЗГА эҳтиром!

Ўқитувчи, устоз, мараббий... У жамият маънавиятининг зиёбони илм-у фан гулшанинг боғбонидир. Қадим-қадимдан мамлакатимизда, умуман Шарқда муаллим аҳлининг қадри баланд бўлган, эл-юртда эъзозланган, халқ ҳикматларида эса “Устоз отангдан улуғ” деб таъкидланиши ҳам бежиз эмас. Зотан ўқитувчининг масъулияти фаолияти, мashaққатли сабоқлари туфайли эл фарзандлари савод чиқарип оламни танийди, ўзлигини кашф этади. Камол топиб, Ватанининг етук фуқаросига айланади. Шунинг учун инсон боласи ҳар қадамда ўқитувчи мураббийси, меҳри қуёш муаллимини хотирлайди. Турмуш чорраҳаларида эса унинг сабоқларига суннади. Номини ифтихор билан тилга олади. Ҳурматини бажо келтиради.

Инсон бўлсан бир кун элга муносаб,  
Мени фарзандим деб гар сўйса халқим.  
Фахрим севинчидан гулдаста ясаб,  
Устозим мен сизга қиласман таъзим.

Меҳрибон устозлар азизларимиз,  
Бир умр меҳрингиз дилларимизда  
Сиймойингиз ҳамиша раҳнамо бўлиб,  
Номингиз янграйди тилларимизда.

Мунисахон СИДДИҚОВА,  
“Халқ ижодиёти” факультети 3-босқич талабаси

